

Талоқ бўлиб қайтиб келганга нафақа қилиш

05:00 / 14.02.2017 4302

Аёл зоти турмуш қургунича отаси, ака-укаси ёки бошқа бирор эркак қариндоши нафақасида бўлиши маълум. У оила қуриши билан эрнинг нафақасига ўтади. Бас, оиласи бузулиб эридан ажраган аёлга ким қарайди? Уни нафақа билан таъминлаган киши савоб оладими? Агар савоб оладиган бўлса, қандай ишнинг савоғини олади? Бу каби саволарга жавоб ушбу бобда келади.

Суроқа ибн Жаъшам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам:

«Эй Суроқа, сенга энг улуғ садақанинг ёки садақадан ҳам улуғроқ нарсанинг далолатини берайми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», деди.

«Ҳузурингга қайтиб келган ва сендан бошқа таъминотчиси бўлмаган аёл зотига икром кўрсатмоғинг», дедилар».

Шарҳ: қизми, сингилми турмуши бўлмай, оиласи бузулиб, қайтиб келган бўлса-ю, унга сендан бошқа касб қилиб садақасини ёки нафақасини қиладиган бўлмаган аёл зотини икром қилсанг, жаннатга кирасан. Қайтиб келган дегани турмуши бўлмай эридан қайтиб келган маъносини билдиради.

Одатда турмуши бузулиб эриникдан қайтган қиз ёки сингил ёхуд қай бир аёл зоти уйда яхши кутиб олинмайди. Иложи борича уни қайтаришга, ўша ерда туравергани яхшийди деган маънода, кимдир етишмовчиликдан кимдир одамларнинг гап сўзидан, яна кимдир бошқа ҳолатларни мулоҳаза қилиб қайтиб келган қизлар, келинлар, опа сингилларни ҳолати бироз тангликка дучор бўлиб қолади.

Аmmo, Аллоҳнинг иродаси экан ана шунақа бўлибди, унга бир касб қилиб, икром қилиб турган одам энг улуғ садақа ишларидан бирини қилган бўлар экан. Бу Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалламнинг ҳадислари, айтган гаплари, тавсиялари экан.

Турмуши бузулиб ота уйига қайтиб келган аёл зотини нафақа билан таъминлаш энг улуғ садақанинг ёки садақадан ҳам улуғроқ амал ҳисобланишни ушбу ҳадиси шарифдан билиб оламиз.